

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АХМАДЖОНОВ ИЛҲОМЖОН ЛУҲМОЛОВИЧ**

**ҚУМ ВА ТУПРОҚЛАРДА СТРУКТУРА ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ СУВДА  
ЭРУВЧАН ПОЛИМЕРЛАР ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-  
КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.11-Коллоид и мембрана кимёси  
(кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ахмаджонов Илҳомжон Луҳмонович**

Қум ва тупроқларда структура ҳосил қилувчи сувда эрувчан полимерлар яратиш ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссалари..... 3

**Ахмаджонов Илҳомжон Луҳмонович**

Создание структурообразующих водорастворимых полимеров песков и почвогрунтов и их коллоидно-химические свойства..... 21

**Axmadjonov Ihomjon Luhmonovich**

Creation of structure-forming water-soluble polymers of sands and soil and their colloidal-chemical properties..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АХМАДЖОНОВ ИЛҲОМЖОН ЛУҲМОЛОВИЧ**

**ҚУМ ВА ТУПРОҚЛАРДА СТРУКТУРА ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ СУВДА  
ЭРУВЧАН ПОЛИМЕРЛАР ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-  
КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.11-Коллоид и мембрана кимёси  
(кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/K401 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Кулдашева Шахноза Абдулазизовна</b> кимё фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ахмедов Улуғ Каримович</b> кимё фанлари доктори, профессор
	<b>Хандамов Даврон Абдуқодирович</b> кимё фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган муҳандислик-технологиялари институти</b>

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» январь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улуғбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanguz@mail.ru](mailto:ionxanguz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улуғбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, e-mail: [ionxanguz@mail.ru](mailto:ionxanguz@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» январь куни тарқатилди.

(2022 йил «14» январдаги № 2-рақамли реестр баённомаси).



**Б.С.Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**И.Д.Эшметов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосори, т.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда кўчма кумларни шамол эрозиясидан мустаҳкамлаш ва структура шаклланиши туфайли етарлича мустаҳкам сирт қобилини яратиш орқали уларнинг атмосферага кўтарилишини олдини олиш муаммоси долзарб ҳисобланади. Бу соҳадаги муҳим истиқболли йўналишлардан бири кўчма тупроқ ва кум дисперсларида арзон, топилиши осон саноат чиқиндилари асосида олинган мустаҳкам структура ҳосил қилувчи янги мустаҳкамловчи кўшимчалар олиш ҳисобланади. Кўчма кумларда ва тупроқ дисперсларида структура ҳосил қилишда мустаҳкамловчи полимер реагентларни танлаш ва уларнинг структура ҳосил қилиш жиҳатларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жойизки, катта майдондаги кўчма кум дисперсларини саноат чиқиндилари асосида олинган бириктирувчилар билан мустаҳкамлаш ва мустаҳкам структуранинг физик-механик ва кимёвий мелиорация усуллари аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда маҳаллий хомашё асосида янги сувда эрувчан полиэлектrolитлар яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада кум ва тупроқ дисперсида структура ҳосил қилувчи структурант сифатида сувда эрувчан полимерларни синтез қилиш, жараён шароитлари, олинган полиэлектrolитлар таркиби ва хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатишга, уларни кўчма кумларни мустаҳкамлашда қўллаш имконияти, мустаҳкамлаш кўшимчаларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда чўл ҳудудлари кўчма тупроқ ва кумларини мустаҳкамлаш борасида, жумладан, сувда эрувчан полимерлар, сирт фаол моддалар, реагентлар ишлаб чиқиш бўйича маълум илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи ва тўртинчи йўналишларида «...одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини куриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш...»<sup>1</sup>га қаратилган муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, саноат ишлаб чиқариши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган саноат чиқиндилари асосида юқори самарали мустаҳкамловчи реагентларни яратиш, структуравий хусусиятлар, ишлаб чиқариш шароитлари ва уларнинг структуравий хусусиятлари ўртасида боғлиқликни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги 363-сон «Орол денгизи бўйидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорлик тараққиёти» тўғрисидаги қарорида, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда сувда эрувчан полимерлар, полиэлектrolитлар ёрдамида кўчма кумлар ва тупроқларнинг структуравий шаклланиши коллоид кимё соҳасида Ҳашимото Х., Матсумото Осаму, Цуруи Масаи, Ерсолани Д., Гринзи Ф., Нагата К. И., Яно Н., Нагамори С., Рибиндер П. А., Морозов С.С., Мичурин Б.Н., Левандюк А. Г., Лйков М. А., Баталёва Ш.В., Мусабеков К.В. ва бошқалар илмий мактабларида фаол изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда К.С. Ахмедов раҳбарлигида мактаб ташкил этилган бўлиб, унинг вакиллари: Е.А. Арипов, Ф.Л. Глекел, С.С. Хамраев, С.Н. Аминов, А.А. Агзамходжаев, У.К. Ахмедов, С.А. Абдурахимов, С.З. Муминов, Г.У. Раҳматқариев, Б.Н. Хамидов, Г.Р. Нарметова, В.П. Гуро, И.К. Сатаев., Ш.А.Кулдашева, И.Д. Эшметов, О.К. Беисенбаев, Б.Н. Нуриев ва бошқалар унинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Таъкидлаш керакки, саноат чиқиндиларидан полиэлектrolитлар асосида самарали мустаҳкамловчиларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва қўллаш технологиясини яратиш ҳали амалга оширилмаган. Уларнинг ишларида асосан, юқори дисперсли зарралар (лой, кум ва бошқалар) учун кимёвий мустаҳкамловчиларни (сувда эрувчан электrolитлар, СФМ, полимерлар) ишлаб чиқиш ва кимёвий мустаҳкамлаш усуллари таклиф қилинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-ФА-2019-37 «Қўнғирот сода заводи чиқиндилари асосида кум ва тузли тупроқлар бўронларини олдини олувчи янги авлод реагентларини яратиш» (2019-2021й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўчма кум ва тупроқларда структура ҳосил қилувчи, сувда эрувчан полимерларни синтез қилиш ва уларнинг коллоид-кимёвий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Орол кўчма тупроқ ва кумларининг кимёвий, минерологик таркибини ўрганиш;

кўчма кумларда структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқариш имкониятларини аниқлаш ва асослаш;

кўчма кумларни гомоген ва гетероген системалар билан мустаҳкамлаш имкониятларини ўрганиш;

ПАН чиқиндиси ва янги полимерни гидролизловчи реагент сифатида: NaOH; Na<sub>2</sub>SiO<sub>3</sub>; Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> ва дистиллер суюқлиги эритмалари билан гидролиз жараёнларини ўрганиш;

полимерларнинг гидролизланиш жараёни шароитларининг уларнинг структура ҳосил қилиш хусусиятларига таъсирини тадқиқ қилиш;

саноат чиқиндилари бўлган ПАН ва дистилляр суюқлиги асосида мустаҳкамловчи реагентларни олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш ва тажриба синов партияларини олиш, шунингдек кўчма кумларни мустаҳкамлаш бўйича дала тажриба ишларини олиб бориш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нитрон толаси чиқиндиси, дистилляр суюқлиги (ДС), малеин кислотаси (МК) ва акриламид сополимери (ААС) ва улар асосидаги кўчма кумларни мустаҳкамловчи реагент намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** полимер мустаҳкамловчи реагентларни синтез қилиш усуллари, шунингдек уларнинг коллоид-кимёвий, мустаҳкамлаш хусусиятлари ва кум дисперслари билан ўзаро таъсирлашиш механизмларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишини бажаришда минерал дисперслар ва юқоримолекуляр полиэлектрولитларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашнинг замонавий ва анъанавий: рентгенофазавий, термогравиметрик, ИҚ-, атом-адсорбцион спектроскопия, электрон микроскопик ва бошқа кўплаб физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий (визкозиметрик, консистометрик) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

полидисперс кум тизимида мавжуд каналларнинг эквивалент диаметри қийматлари 3,42-3,91\*10<sup>-2</sup> мм ни ташкил қилади, бунда кум тизими учун мустаҳкамлаш жараёнларида тортишиш кучини ҳисобга олиш зарурати исботланган;

кўчма кумларни гомоген ва гетероген тизимлар билан мустаҳкамлаш имкониятлари: мустаҳкамланиш жараёнлари кинетикаси ва пластик мустаҳкамлик ўзгаришини таҳлили, мустаҳкамловчининг гравитацион ёки капилляр кучлар таъсирида бўшлиқда эркин оқим ҳосил қилиб ютилиши боғловчи турига, шунингдек кумнинг таркибига боғлиқлиги аниқланган;

ОПАН ва МКАА гидролизланиш жараёнига турли омилларнинг таъсирида, юқори структура ҳосил қилувчи хусусиятларга эга бўлган бириктирувчи қўшимчаларни олиш учун мақбул шароитлари: гидролиз тизимининг рН даражаси 12-13,5; биринчи босқич (1 соат) ҳарорати 65-70°C, сўнгги босқичда (1-1,5 соат) 90-95°C аниқланган;

натрий гидроксиди ва натрий силикат билан гидролизланганда, жараён уними Na-ОПАН ва NaSi-ОПАН намуналари учун мос равишда 43,2 ва 41,9%

энг юқори қийматларга эга бўлиб, бунда кислота сони қиймати совунланиш ва  $\text{-COONa}$  груҳининг шаклланиши ҳисобига нисбатан пастроқ қийматларга 118 ва 168 мг/г эга эканлиги аниқланган;

қумларга  $\text{NaSi-MKAA}$  ( $\text{KSi-}$ ),  $\text{Ca-MKAA}$ ,  $\text{NaSi-OPAN}$ ,  $\text{Ca-OPAN}$  намуналарини сингдириш мустаҳкамликни ошишига олиб келади, КМЦ эритмасини сингдириш эса, аксинча камайишига, шунингдек  $\text{Na-MKAA}$  эритмаси учун тўйинганлик каэффиценти қийматлари  $\text{K-MKAA}$ ;  $\text{Na-OPAN}$ ; гипан ва КМЦ намуналардан мос равишда 1,12; 1,34; 1,47 ва 1,48 марта катта эканлиги бу эритманинг боғловчи сифатида ортиқча эканлигини исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

саноат чиқиндилари асосида сувда эрувчан полимерларни синтез қилиш кўчма қум ва тупроқларда структура ҳосил қилиш билан чўл ҳудудлари экологик муаммоларини олдини олиш имкониятлари асосланган;

кўчма қум ва тупроқ дисперсларида структурани шакллантириш учун ПАН ва дистилляр суюқлиги асосида мустаҳкамловчи воситасини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** олинган натижалар физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий воситалардан фойдаланган ҳолда илмий изланишлар олиб борилди, Қўнғирот Сода заводи базасида лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида тажриба синовлари ўтказилди ва синов далолатномалари билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ПАН ва юқори структура ҳосил қилувчи хусусиятларга эга дистиллер суюқлиги асосида сувда эрувчан полимер бириктирувчи реагентларни синтез қилиш методологиясини ишлаб чиқиш қум дисперслари билан ўзаро таъсир қилиш механизми ва қонуниятларини ва полимер бириктирувчи материалларнинг мақсадли гидролизланиши учун сувда эрувчан полиэлектролитларни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида мустаҳкамловчи реагентларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш билан чўл ҳудудлари автомобиль йўллари кум қопламаслигини олдини олади ва йўл қурилишида кўчма қумларни атмосферага кўтарилиши камайтириб республиканинг айрим экологик муаммоларини ҳал этишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** ПАН чиқиндилари асосида полимер мустаҳкамловчиларни олиш бўйича илмий натижалар асосида:

ПАН чиқиндилари ва дистиллер суюқлиги асосида олинган  $\text{Ca-OPAN}$  бириктирувчиси «Қўнғирот сода заводи» УКнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истикболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил 29 ноябрдаги 02/18-2563-сон



маълумотнома). Натижада, кумларни мустаҳкамлаш учун сувда эрувчан полимерни яратиш билан бирга, дистиллер суюқлигидан фойдаланиш имконини беради;

Кўчма кум ва тупроқларни мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган бириктирувчи композициялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил 29 ноябрдаги 02/18-2563-сон маълумотнома). Натижада, кўчма тупроқ ва кум дисперслари юзасида мустаҳкам структура ҳосил бўлиши билан бир қаторда, мустаҳкамловчи аралашмалар республикамиз чўл ҳудудлари экологик муаммоларини бартараф этиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 9 халқаро ва 6 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 7 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг (PhD) асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган журналларда 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предмети ифодаланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Кум ва тупроқ дисперсларида структура ҳосил бўлишининг моҳияти. Сувда эрувчан полимерлар ёрдамида сунъий структура ҳосил қилиш тажрибаси"** деб номланган биринчи бобида кўчма кумларни маҳкамлаш имкониятлари, кум ва тупроқ дисперсларида структура ҳосил қилиш муаммолари, физик-механик ва кимёвий мелиорация усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, замонавий полимер материаллар – дисперс системаларнинг структура ҳосил қилувчи хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар батафсил баён этилган. Адабиётларни таҳлил қилиш асосан кўчма кум ва тупроқларда мустаҳкам структура ҳосил бўлишида маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари жумладан, дистиллер суюқлиги (ДЖ),

полиакрилонитрил толаси (ОПАН) ва бошқалардан фойдаланиб янги полимер-мустаҳкамловчиларни синтез қилиш имкониятини берган. Шу билан бир қаторда, адабиётларни таҳлил қилиш ушбу тадқиқот ишининг мақсади ва вазифаларини шакллантирида аҳамиятлидир.

Диссертациянинг **"Тадқиқот объектларини танлаш ва уларнинг хусусиятларини аниқлашнинг асосий усуллари"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва кўчма кумларни мустаҳкамлаш учун танланган кимёвий реагентлар, ПЭ ва материалларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган, шунингдек асосий тадқиқот усуллари баён этилган.

Кўчма кумларни мустаҳкамловчи қўшимчаларга биринчи тадқиқот объекти сифатида дистиллер суюқлиги (ДС) танланган. Шунингдек, ушбу бобда дистиллер суюқлигининг ГОСТ 23981.1 "Кимёвий таҳлил усуллари" га мувофиқ ўтказилган таҳлил натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Структуравий қобик яратиш учун иккинчи тадқиқот объекти сифатида ПАН (ОПАН) «Навоий АЖ» чиқиндиси танланган. Бу чиқинди сарғиш-жигарранг кўпинча турли хил рангда бўлиб, ип ёки тола кўринишига эга. Оғирлиги 30000-50000 дан юқори бўлган зичлиги 1,14-1,15 г/см<sup>3</sup> (20°С), деярли 220°С гача юшмайди чизикли полимердир. У қуйидаги технологик хусусиятларга эга: унинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари капрон билан таққосланади; нисбий чўзилиш 10-15% ПАН техник хусусиятларидан кўра деярли 2 баравар кам; намликни ассимиляция қилиши 20°С да 0,9-1,0%. ОПАН оддий эритувчилар, ёғлар таъсирига кимёвий жиҳатдан чидамли; атмосфера шароитлари ва қуёш нурлари таъсирида ўзгармайди; диметилформаид, диметиласетаид, этилен карбонатларда, LiBr, NaCNS, ZnCl<sub>2</sub>+CaCl<sub>2</sub> тузларининг концентранган сувли эритмаларида, концентранган HNO<sub>3</sub>, H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> да эрийди.

Мўйноқ тумани кум ва тупроқларининг ўрганилган намуналари асосан асосий ионларнинг таркиби билан фарқ қилади, шу туфайли умумий туз миқдори ҳар хил қийматга эга. Шу билан бирга физик гилнинг таркиби (0,01 мм дан кичик зарралар) кумлар учун 23,9 ва тупроқлар учун 8,6 ни ташкил этади. Физик гилнинг юқори қийматлари катта миқдордаги SiO<sub>2</sub> заррачаларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, бунда агрегатланиш йўқлиги туфайли улар орасида боғланишлар ҳосил бўлмаганлиги билан боғлиқ.

Диссертациянинг **"Кўчма кумларни гомоген ва гетероген тизимлар билан мустаҳкамлаш имкониятини ўрганиш"** деб номланган учинчи бобида кум тизимидаги канал ўлчамлари ва уларнинг механик зичлашишига, реагентнинг турли омиллар таъсирида структура ҳосил қилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек, кўчма кумларда структура ҳосил бўлиш жараёнларини бошқариш имкониятлари ўрганилган.

Ҳатто бир хил ҳудуддаги кўчма кум ва тупроқ зарралари намунаси шакли ва ўлчамлари билан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун мустаҳкамловчи қўшимчалар турли ўлчамдаги каналлар таъсирига ўтади.

Маълумки, канал ўлчамлари  $10^{-2}$  мм дан кам бўлганда, суюқликни аралаштиришда тортишиш кучини эътибордан четда қолиши мумкин эмас. Шу сабабдан турли омилларнинг таъсирини аниқлаш учун полидисперс кум тизимида яратилган каналларнинг эквивалент диаметрини аниқлаш аҳамиятли ҳисобланади.

Ўрганилаётган кумлар учун каналларнинг эквивалент диаметри (3,42-3,91)  $\cdot 10^{-2}$  мм га тенг. Ғоваклиги  $>44\%$  юқори бўлган кум тизимида мавжуд каналларнинг диаметри  $1,6 \cdot 10^{-2}$  мм эканлиги аниқланди ва бу тизим учун мустаҳкамлаш жараёнларини ўрганишда тортишиш кучи муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Шунинг учун кум тизимини мустаҳкамлаш жараёнларини ўрганишда гравитацион куч мустаҳкам структура ҳосил бўлишида ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин.

Турли реагентларни қўллаб кумларнинг мустаҳкамланиш жараёни кинетикаси ва пластик мустаҳкамлигини ўзгаришини таҳлил қилиш гравитацион ёки капилляр кучлар таъсирида бўшлиқларда эркин оқим ҳосил бўлиши билан мустаҳкамловчининг кириш шароити боғловчи модда турига ва кумнинг таркибига боғлиқлигини кўрсатди. Демак, биринчи навбатда 10.92 ва 4% миқдорда асосан кальций ва натрий хлоридни ўз ичига олган ДС эритмасининг кум хоссаларига таъсирини кўриб чиқамиз.

1-жадвалда ДС нинг кум каналларига кириб келишида эритма ҳажмидаги ўзгаришларни тавсифловчи маълумотлар келтирилган.


1-жадвал.

ДС нинг кумга шимилишида  $0,25 \text{ кг/см}^2$  оғирликдаги конус ботиш чуқурлигининг ўзгариши

ДС ҳажми, мл	Конус оғирлиги, мм								Юза қалинлиги (мм)	
	T <sub>0</sub>	T <sub>1</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>6</sub>	T <sub>10</sub>	T <sub>20</sub>	T <sub>30</sub>	2 соат 1 кундан кейин		
4	5,3	5,3	5,4	5,4	5,4	5,5	5,5	4,4	4,16	3
6	4,1	4,2	4,2	4,2	4,2	4,2	4,2	2,18	1,94	8
8	3,7	3,8	3,8	3,9	3,9	3,9	3,9	1,75	1,35	10

ДС нинг кум ғовақларига кириб бориш ҳажмига таъсир этувчи асосий омиллардан бири каналларнинг катталиги бўлиб, бу кум заррачалари юзасининг суюқлик билан ўзаро таъсир этиш жараёни ва ҳоказоларга боғлиқ бўлиши мумкин. Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, шимдириш пайтидан кейинги соатгача конус ботиш чуқурлигининг ортиши кузатилади. Кейинчалик, шимдириш чуқурлигининг янада камайиши ҳосил бўлган мустаҳкам структурада коагуляцион структуранинг шаклланиши қисман кристаллизация шаклга ўтиши билан изоҳланади. Эҳтимол, дастлабки дақиқаларда конус чуқурлигининг ортиши билан шимдириш чуқурлигининг ортиши жараёни табиатда содир бўлиб турадиган механик суффозия деб аталадиган яъни суюқликни филтрланиши туфайли энг кичик зарраларнинг ювилиши натижасида кумларни юмшаши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Энг кичик заррачаларнинг бундай ўтиши, агар катта фракциялар зарраси диаметрининг кичик фазанинг зарра диаметридан 20 баравар ортиқ бўлсагина

ҳақиқий ҳисобланади. Бироқ, маҳкамловчи суяқлик ҳажмининг 4 мл дан 8 мл гача ортиши конуснинг 5,29 дан 3,65 мм гача ботиш ҳажмининг камайишига олиб келади, бу эса эритмани шимдириш туфайли қум тизимининг зичлашишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳар қандай суяқлик ва ҳатто сувни шимдирганда ҳам қумда сиқилиш ҳолати кузатилади. Сувдан фойдаланишда энг кичик заррачаларнинг ювилиши натижасида, ғовакликнинг ортишини тасдиқлаш мумкин. Бироқ, ҳажми 4 мл сув шимдирилганда, конус ботишининг дастлабки вақти 6,15 мм бўлиб, бу ДС (5,29) билан олинган қийматлардан сезиларли даражада кўпдир. Бу ҳолат ДС билан шимдирилган қумларда мустаҳкамликнинг ошганлиги нафақат механик зичлик билан, балки биринчи навбатда қум заррачалари юзасининг  $\text{CaCl}_2$  (кальций хлор) компонентлари билан ўзаро таъсирлашиш хусусиятига боғлиқдир. Юқорида таъкидланганидек, суяқлик компонентларининг каналлар юзаси билан ўзаро таъсири тизим каналлари орқали суяқлик оқимининг ўзгаришига ва уларни тикилиб қолишига олиб келади, бу эса суяқлик оқимининг кейинги ҳаракатини қийинлашишига олиб келади. Бу хулоса қобикда ҳосил бўлган жараён натижалари билан тасдиқланади. Мустаҳкамловчи суяқлик ҳажмининг ортиши билан қобикнинг қалинлиги ҳам ортади. Қобик пастки қисмининг нотекислиги сезиларли даражада ошади ( $h_0 \neq h_1 \neq h_3$  ва бошқалар.), бу эса, шимдириш ҳажмининг каналлар ҳолатига боғлиқлигини исботлайди.



**1-расм. ДС турли ҳажмлари таъсирида қумнинг пластик мустаҳкамлигининг ўзгариши:  
1) 8 мл; 2) 6 мл; 3) 4 мл.**

Албатта, қум тизимида ҳосил бўлган қобикни сув таъсирида чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолда, қобикнинг ҳосил бўлишини тасдиқлаш ҳам қийин. Қобик хусусиятларининг яна бир кўрсаткичи сифатида унинг 1;5; ва 10 кундан кейин намлик қийматлари аниқланди. Эҳтимол, қобикнинг намлиги унинг мустаҳкамлик қийматларига таъсир қилади. Бу ҳолатда мустаҳкам қобикнинг ҳосил бўлиши кальций хлорид билан боғлиқ. Шимдирилган қумнинг намлиги 1;5 ва 10 кундан кейин мос равишда 2,7; 2.4 ва 1,2% ни ташкил этади. Намликнинг пасайиши кристалланган қобикнинг мустаҳкамлик параметрларини пасайишига олиб келади. Бироқ, 30 кундан сўнг ДС нинг шимилиши натижасида кристалланган структуранинг баъзи бир миқдори сақланиб қолади, бу эса қумларда мустаҳкамлик қийматини ошишидан далолат беради. Қобикнинг намлиги асосан суяқлик таркибий хусусиятларига боғлиқ бўлиб, буни бошқа мустаҳкамловчи қўшимчалар билан таққослаганда билинади.

Пластик мустаҳкамлик бошланғич структурасиз кумнинг структурали шаклларга айланиши давомида ҳосил бўлган мустаҳкамликни тавсифлайди. Кўчма кумларни мустаҳкамловчи кўшимчалар таъсирида вақт ўтиши билан кумларда пластик мустаҳкамликнинг ўзгариши эгри чизиклар бўйича иккига ажратилади: структуранинг ҳосил бўлиш даври ва қотиш даври. 1-расмда ДС билан ишлов берилган кумларда пластик мустаҳкамликнинг ўзгариши келтирилган. Диаграмманинг эгри чизикларида кўрсатилганидек, кумларнинг зичлашиш даври мустаҳкамловчи суюқликларнинг ҳажмига ва уларнинг миқдорини ўзгартириши орқали кумнинг структура мустаҳкамлиги кенг чегараларда ўзгариши мумкин. 50 г кумга 8 мл ёки ундан кўп суюқлик сарфланиши билан у жуда мустаҳкам сирт ва чуқур структура ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Муйноқ тумани шўрхок кумларининг мустаҳкамлик хусусиятларини ошиши суюқ шиша (СШ) эритмасини сепиш жараёнида кузатилади. СШ ҳажми 4 мл дан 8 мл гача оширилганда конус ботишини деярли 2 марта камайишига олиб келади. СШ нинг 6% ли эритмаси таъсирида кум системасида коагуляция-кристалланиш структураси мустаҳкамлигининг ўзгаришини характерловчи маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Эҳтимол, қобикнинг бир зумда қаттиқлашиши кум тизимидаги кимёвий ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган  $\text{SiO}_2$  гели туфайли каналларнинг тикилиб қолиши натижада кум системасида кимёвий ўзгаришлар содир бўлади. Суюлтирилган эритмаларда концентрланган натрий силикатнинг икки валентли металллар, хусусан кальций ва магнийнинг тузлари билан ўзаро таъсири суюқ шишадан электролит тузларини ажратувчи силикат кислота плёнкасининг жуда тезликда ҳосил бўлиши билан тавсифланади. Шимдирилган кумларнинг кимёвий таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, шимдириш жараёни бошланиши билан суюқ шишанинг асосий миқдори юза қатламда сақланиб қолиши билан тавсифланади. Унинг миқдорини чуқурликда камайиши, эҳтимол, суюқликнинг қолган қисми босим остида парчланиб, электролитлар юзаси билан суюқлик орасида плёнка ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бунда тузларнинг шимдирилаётган суюқликнинг янги қатламлари билан боғланиши туфайли плёнка ҳосил бўлиши бир неча маротаба кузатилади. Шимдирилган кумларнинг пластик мустаҳкамлигидаги ўзгаришларни ўрганиш, плёнка ҳосил бўлиш ва унинг ёрилиш жараёни бир соат давомида кузатилди. Бузилган плёнка бўлаклари кум заррачалари орасида аста секин тикилиб қолади, ундаги бўшлиқларни тўлдиради, бу эса суюқлик шимдирилган кумнинг кимёвий таркибидаги ўзгаришларни изоҳлайди.

2-жадвал.


СШ нинг 6 % ли эритмаси кумга шимдирилда  $0,25 \text{ кг/см}^2$  оғирликдаги конус ботиш чуқурлигининг ўзгариши

СШ эритмаси нинг ҳажми, мл	Конус оғирлиги, мм									қобик калинлиги, мм
	T <sub>0</sub>	T <sub>1</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>6</sub>	T <sub>10</sub>	T <sub>20</sub>	T <sub>30</sub>	2 соат	1 кундан кейин	
4	4,40	3,84	3,36	2,85	2,83	2,75	2,50	1,36	1,33	8

6	3,65	3,60	3,57	3,33	3,20	2,80	2,68	1,40	1,25	10
8	2,55	2,50	2,00	1,60	1,51	1,49	1,38	1,24	1,12	12

Эритмадаги суюқ шиша концентрациясининг ўзгариши кумда мустаҳкам структура ҳосил бўлиш жараёнларига кучли таъсир этади. Мисол учун, эритмада СШ концентрациясини 4% га камайтириш сепиш жараёнида пластик мустаҳкамликнинг 51 % камайишига олиб келади, аммо, қобикни суткалик назорат қилишда олинган натижаларга кўра пластик мустаҳкамлик қийматлари (66% кўпроқ) ошганлиги билан тавсифланади. Бир хил ҳажмларда шимдиришда конус ботиш чуқурлиги нисбатан ўхшаш қийматлар билан тавсифланади. Бироқ, ташқи муҳит таъсири остида 4 мл эритмали намунадаги қобик структураси осонгина бузилади. Намуналар тўлиқ қуритилгандан сўнг (10 кундан ортиқ) қобикларнинг қалинлиги турли қийматларга эга бўлади.

Структуранинг шаклланиш даврига мос келувчи СШ нинг 4% ли эритмаси шимдирилган кумнинг пластик мустаҳкамлигидаги ўзгариш эгри чизиқлари қисқа горизонтал чизиқ билан тавсифланади. Концентрациянинг 8% га ошиши бу соҳани 1 кунлик қийматларга ўзгаришига олиб келади. Кум мустаҳкамлиги ўзгаришининг эгри чизиқлари тахминан бир хил шаклга эга, лекин биринчининг узунлиги фарқланиб, бунда структурали тизимнинг ҳосил бўлиши билан тавсифланади.



2-расм. 50 г кумга 8 мл микдорда СШ шимдирилганда пластик мустаҳкамликнинг ўзгариши: 1) 8 мл; 2) 6 мл; 3) 4 мл.

КМЦ-На ва ГИПАН каби полиэлектрוליитлар эритмалари билан ўтказилган тажрибалар бу моддаларнинг кум структурасига таъсири ҳақида бир неча хил маълумотларни келтириб чиқарган (3-жадвал).

ГИПАН эритмаси ҳажмини ортиши структура мустаҳкамлигининг зудлик билан ошишига олиб келади, шу пайтда КМЦ эритмаси шимдирилган кумларда билан олиб борилган тажрибадаги ўзгариши эса, аксинча, структура мустаҳкамлигининг камайишига олиб келади. Вақт ўтиши билан мустаҳкамликнинг ўзгариши аста-секин ўзгарувчан қийматлар билан тавсифланади. 50 г кумга 8 мл микдорида ГИПАН эритмаси билан ишлов берилган кум юза қатламининг суткалик намлиги 4,8%, бу эса КМЦ билан ишлов берилган кумларга нисбатан 1,17 марта кўп. Бу эритмаларни кумда эркин шимилиш жараёни сўзсиз шимдирилатган реагентнинг таркиби ва микдорига боғлиқлигини кўрсатади. Бу ҳолда кумларнинг ғоваклиги

эритмалар билан шимдирилган кумларнинг тўйиниш коэффициентининг қийматларидан далолат бериб, бу иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлади. ГИПАН ва КМЦ эритмаларининг бир хил ҳажмлари учун тўйиниш коэффициенти қийматлари 1,42 марта камаяди, бу эса ГИПАНнинг боғловчи сифатида ортиклигини кўрсатади (9-18%).

3-жадвал.

1% ли ГИПАН ва КМЦ эритмалари билан шимдирилганда кумнинг намлиги ва 0.25 кг/см<sup>2</sup> оғирликда конус ботиш чуқурлигининг ўзгариши

Эритмалар ҳажми, мл	T <sub>0</sub>	T <sub>1</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>6</sub>	T <sub>10</sub>	T <sub>20</sub>	T <sub>30</sub>	2 соат	1 кундан кейин	5 кундан кейин	Юза қалинлиги	намлик, %	
												1 кундан кейин	2 ой
ГИПАН													
4	5,00	5,16	4,30	4,70	4,60	4,55	4,10	4,85	3,20	3,00	1	1,1	0,2
6	5,60	5,27	5,45	5,35	4,20	4,40	4,35	4,60	2,90	2,75	3	3,3	0,3
8	4,95	4,62	4,14	4,30	4,28	4,15	4,20	4,90	1,45	1,45	4	4,8	0,4
КМЦ													
4	8,40	7,65	7,80	6,02	6,20	5,1	5,5	6,6	3,50	3,10	2	1,3	0,1
6	7,40	6,25	6,00	5,83	5,50	5,40	5,30	5,10	3,10	2,90	2	2,2	0,2
8	6,85	6,20	6,17	5,00	4,65	4,1	4,6	5,5	3,40	3,40	4	3,2	0,2

Шундай қилиб, полимер эритмалари билан шимдирилган кумларнинг мустаҳкамлиги ва намлигининг ўзгаришини тавсифловчи маълумотлар кўчма кумларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун ушбу материалларнинг яроқсизлигини кўрсатади. Кўчма кумларни мустаҳкамлаш учун бу мақсадлар иқтисодий жиҳатдан қаноатлантirmайди, чунки бунинг учун кўпроқ эритма сарфлаш керак бўлади. Кумларнинг сув-физик қобилиятларини сақлаган ҳолда бошқа мустаҳкамловчи қўшимчалар билан композиция яратиш мустаҳкамлик қобилиятининг ортишига олиб келади ва ер ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда ер ва кўчма кумларнинг эрозия ва лойқаланиш жараёнларига қарши кураш учун долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг **"Янги полимер материаллар синтези ва уларнинг структура ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш хусусиятларини баҳолаш"** деб номланган тўртинчи бобида ПАН чиқиндиларини гидролизлаш орқали олинган полиэлектrolитлар хусусиятларини синтез қилиш ва ўрганиш натижалари ҳамда акриламид ва малеин кислотаси сополимерининг кўчма кум ва тупроқларда аниқланган натижалари келтирилган.

Полиакрилонитрил хом ашёсидан олинган (ПАН) чиқиндисини ПАНнинг маълум миқдори қуйидаги эритмалар билан аралаштирилади а) NaOH; б) Spectr Stroy Invest томонидан ишлаб чиқарилган Na<sub>2</sub>SiO<sub>3</sub> (pH = 13,3 бўлган 43,3% эритмаси ишлатилган); в) Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub>; д) NaOH+ДЖ.

Ушбу тадқиқотлар натижасида дастлабки гидролизловчи эритмаларининг pH қийматлари 12-13,5 бўлиши керак бўлган жараённинг бориши учун оптимал шароитлар яратилди. Бундай pH қийматларга эришиш учун гидролизловчи моддаларнинг алоҳида эритмаларига ҳисобланган миқдорда натрий ёки калий гидроксиди қўшилди. Тахминан жараён 1 соат

65-70°C ҳароратда аралаштириш орқали амалга оширилади, сўнгра реакция тугагунча (1,5 соатдан кўп бўлмаган) аралашма 90-95°C ҳароратда, аралашмалар таркибий қисмлари қуйидаги нисбатда, оғирлик бўйича %. (полимер:гидролиз агенти:сув) сақланади: а) 10:10:85; б) 10:48:47; с) 10:15:80; д) 10:20:70 + 5 г NaOH.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, гидроксил ионларининг концентрацияси кўрсаткичи рН 12 дан паст бўлса, тўлиқ гидролизга эришиш имкони бўлмайди, шу пайтда рН қиймати 13,5 дан юқори бўлса, ишқор - NaOH нинг ортиқча сарф бўлишига олиб келади.

Полиакрилонитрил хом ашёсини гидролизлаш жараёнининг моҳияти нитрил гуруҳлари -CN, аввал амид - CONH<sub>2</sub> га, кейин эса - COONa га айланишидир. ДС билан Г-усули бўйича гидролизланганда асосий занжирда кальций функционал гуруҳлари -COOCa-, шунингдек Ca-ПАН, Ca-МКАА ҳосил бўлиши кузатилади. Узун акрил полимер молекуласида қанча кўп - COO-гуруҳлари ҳосил бўлса, -COO- зарядланган гуруҳларнинг бир-биридан электростатик итарилиши туфайли у шунчалик кўп чизиқли равишда очилади, реагент шунчалик фаол бўлади.

Шунингдек, маълумки, -COO<sup>-</sup> ва CONH<sub>2</sub> гуруҳларининг чизиқли полимер молекуласидан ажралишига термик барқарорлиги -CN нитрил гуруҳларига қараганда юқори. Шунинг учун дастлаб реакция ҳарорати 1-1,5 соат ичида 80°C дан паст ҳароратда сақланиши керак, шунда -CN гуруҳларининг кўпроқ миқдори оралиқ гуруҳлар бўлган, катта термик барқарорликка эга -CONH<sub>2</sub> гуруҳига ва катта эҳтимолликда реакцион гуруҳга айланувчи - COO-гуруҳларга айланиб улгуради. Юқорида қайд этилган гуруҳларнинг мазмунини аниқлаш учун ИҚ-спектрал анализлар ва аналитик кимё анализлари ўтказилди.

Гидролиз жараёнида нитрил гуруҳлари миқдори экспонент равишда камаяди ва Г усули бўйича гидролиз пайтида энг паст қийматга 27% га етади ва бошқа усуллар учун: а); б) ва в) мос равишда, 37; 33 ва 40% ни ташкил этади. Шундай қилиб, гидролиз агентларининг самарадорлиги қуйидаги тартибда камаяди: NaOH + ДЖ > Na<sub>2</sub>SiO<sub>3</sub> > NaOH > Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub>. Гидролизланган МКАА полимерида карбоксил гуруҳлари таркибининг кўпайиши ушбу қаторга мос келади.

Гидролизланган ОПАН таркибидаги карбоксил гуруҳлари гидролиз жараёнининг давомийлиги ошиши билан ортади. 80°C дан юқори ҳароратда 1 соатлик гидролиздан сўнг, карбоксил гуруҳининг таркиби умумий функционал гуруҳларга нисбатан 33-35% га етади. Гидролизнинг иккинчи босқичида ҳароратнинг 95°C гача кўтарилиши карбоксил гуруҳининг 37-40% миқдорига эришишга олиб келади. Маълум бўлишича, ≈70°C дан паст ҳароратларда жараённинг биринчи босқичи нитрил гуруҳининг амид гуруҳига айланиши туфайли карбоксил гуруҳлари таркибининг кўпайишига ёрдам беради. ОПАН суюқ шиша билан гидролиз жараёнида ва хар бир босқичнинг давомийлиги 1,5 соат бўлганда нитрил гуруҳи учун хос ютилиш чизиқлари умуман кўримайди.



Дастлабки ОПАН сувда эримайди. Жараённинг давомийлигига қараб гидролизланган шакллар сувда сезиларли даражада эрийди, бу ҳам улар эритмаларининг қовушқоқлик хусусиятларини ўзгаришига олиб келади. Дастлабки МКАА сувда осон эрийди. Суялтирилган эритмаларда сополимер бутунлай ионланади, чунки ушбу сополимердаги карбоксил гуруҳлари сони нисбатан кўпроқ (малеин кислотаси ва акриламид нисбати 1:8). Шундай қилиб, аралашма таркибида МКАА кўпайиши эритманинг рН қийматини пасайишига олиб келади.

